

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАР СИЁСАТИНИНГ ЎРНИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Таджидинов Искандар Баходир ўғли

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш  
институтини бўлим бошлиғи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7181702>

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида ўтган даврда соҳадаги монусабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солушга қаратилган – ташкилий-ҳуқуқий, ёшлар билан ишлашга масъул бўлган тузилмалар фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ – институционал ишлар амалга оширилди, шунингдек охириги йилларда бу борада алоҳида тизим (мувофиқлаштирувчи орган – Ёшлар ишлари агентлиги; стратегик вазифалардан иборат – Концепция; манзилли қўллаб-қувватлаш – “Ёшлар дафтари”) яратилди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили.

Ёшлар сиёсати соҳасини ташкилий, институционал жиҳатдан бошқариш, уни мувофиқлаштирувчи асосий орган ҳамда ижрочиларнинг вазифа ва ваколатларини аниқ белгилаш, шунингдек замон талаблари ва ёшларнинг эҳтиёжлари, янги давр муаммолари ва чақириқларига жавоб берадиган шаклда самарали йўлга қўйишда норматив базанинг мустақамлиги катта аҳамият касб этади.

Бу борада Собиқ Совет даврида ёшлар билан ишлаш, уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор ташкилий-ҳуқуқий чоралар амалга оширилган, жумладан, Собиқ Совет давлати таркибидаги Республикалар вазирликлари ва идораларининг 1300 дан ортиқ Министрлар Кенгаши қарорлари [1] даражасидаги қонуности ҳужжатлари асосида соҳага оид ижтимоий муносабатлар тартибга солинган. Мамлакатимиз томонидан мустақиллик қўлга киритилгач, энг асосий йўналишлардан бири сифатида ёшлар сиёсати тубдан қайта кўриб чиқилди ҳамда унга давлат даражасида урғу қаратилди. Жумладан, бунинг яққол ифодаси мустақилликнинг илк даврида қабул қилинган Қонунлар қаторида айнан ёшлар манфаатига йўналтирилган янги ҳужжатнинг қабул қилиниши билан боғлиқ.

Мамлакатимизда ёшларга оид қонунчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши ёшларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиб борилган.

Шу ўринда, ёшлар билан ишлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда ўтган даврни уч босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи - шаклланиш босқичи, жараёни ўз ичига бу борадаги илк ҳуқуқ ижодкорлиги, асосий йўналиши, унинг давлат сиёсий фаолиятининг алоҳида устувор йўналиши сифатида ажралиб чиқиши ва институционаллашуви сингари жиҳатларни инобатга олган 1991-2016 йилларни қамраб олади.

Хусусан, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлаш мақсадида 1991 йил 20 ноябрь куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” [2] ги Қонуни қабул қилинди. Унга кўра, ёш фуқароларнинг ёш категорияси белгиланиши билан бирга, мазкур аҳоли қатламини ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш, тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борада масъул давлат органлари белгилаш ва дастурларини ишлаб чиқиш масалалари белгиланди.

Эътиборлиси, ушбу қонун билан “Ёшларга оид давлат сиёсати” атамасининг илмий ва амалий истеъмолга кенг кириб келишига асос бўлди. Биринчи босқичда мазкур қонун ёшларга оид давлат сиёсатининг шаклланиши ва самарали амал қилишини таъминлади.

Иккинчи – такомиллашув босқичи, замонавий дунё талаблари ва чақириқларини, мавжуд янги муаммо ва таҳдидлар билан бир қаторда янги авлод ёшларининг талаб ва эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқдир.

Аниқроғи, амалиётда ёшлар билан ишлаш соҳасидаги институционал жараёнларнинг такомиллашуви, бу борадаги янги атамалар вужудга келиши, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг янгича кўринишларининг вужудга келиши 2016 йил 14 сентябрда “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” ги [3] қонуни қабул қилинишига олиб келди.

Қонундаги эътиборли жиҳатлардан бири – унда ушбу йўналишдаги асосий тушунчалар “ёшларга оид давлат сиёсати”, “ёшлар (ёш фуқаролар)”, “ёш оила”, “ёш мутахассис” каби моҳияти очиб берилган [4].

Унда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширувчи Вазирлар Маҳкамаси, Ёшлар ишлари агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва унда

иштирок этувчи органлар ҳамда таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маданият ва спорт ишлари, меҳнат, прокуратура, ички ишлар, адлия, муҳофаза ишлари бўйича органлар, нодавлат ношаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари сингари ташкилотлар аниқроғи, унинг субъектлари аниқ белгилаб қўйилган.

Ўз навбатида, қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган ёшлар учун қўшимча кафолатлар, яъни бепул умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими олиш, таълим муассасаларида ўқишга имтиёзли кредитлар тақдим этиш ҳуқуқлари мустақамланган. Таълим муассасаларини битирганидан кейин ёшларнинг бандлигини таъминлаш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотлари тизимини ривожлантириш ва бошқа шу каби қамраб олинган.

Учинчи – стратегик босқич, жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қаторда, уларнинг олдида тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўйиши билан боғлиқ.

Маълумотлар таҳлилига кўра, 2017-2021 йиллар давомида ёшлар сиёсати ва соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6017-сон Фармони ва 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4768-сон [5], шунингдек Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Ёшлар – 2030” стратегиясида белгиланган “Ёшлар манфаатларини кўзлаб, улар билан ишлаш” бош тамойилига [6] асосан 2021 йилнинг 18 январь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори [7] қабул қилинди.

Уларга кўра:

- Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигини ташкил этиш;

- ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ҳимоя қилиш ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- мамлакатда хавфсизлик, экологик барқарорлик, адолат ва тенг ҳуқуқлиликни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш;
- ёшлар учун малакали тиббий хизмат ва сифатли таълим олишини таъминлаш, инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;
- ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;
- ёшлар орасида “беш муҳим ташаббус”ни амалга ошириш;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш;
- ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, салоҳиятли ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш;
- ёш хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш;
- ёшларнинг жамоат ташкилотлари ҳамда волонтерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- хориждаги ватандошлар билан ишлаш, халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро доирада тажриба алмашиш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида урғу қаратилиши белгиланди.

Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳни ёшларнинг шахсий ривожланиши, хусусан, уларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси, иқтисодий имкониятлари, кўникмаларидаги натижалар ташкил этса, иккинчи гуруҳ натижалари мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишига ёшларнинг қўшаётган ҳиссаси ва яратилаётган шарт-шароитлар кўлами билан белгиланади.

Институционал эволюцияси

Ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи тузилмаларнинг ташкил топишига кўра субъектлар (бешта)ни икки тоифага ажратиш мумкин:

- Нодавлат ноижорат ташкилотлари (“Ёшлар иттифоқи”, “Камолот” жамғармаси ва “Камолот” ЁИХ, Ёшлар иттифоқи);
- Давлат бошқаруви органи (Ёшлар ишлари агентлиги) ташкилий-ҳуқуқий хусусиятидаги.

“Ёшлар иттифоқи” (1992-1996) - Илк институционал тузилма сифатида Ўзбекистон “Ёшлари Иттифоқи” [8] ўз фаолиятини 1992-1996 йиллар давомида аъзоликка асосланган бадаллар ҳисобига йўлга қўйган. Бироқ,

Ўзбекистон “Ёшлар Иттифоқи” бозор иқтисодиётига ўтиш сари илдам фаолият олиб бора олмаган ва натижада ушбу камчиликлар унинг фаолиятини ислоҳ қилиш масаласини кун тартибига қўйган.

Натижада, “Камолот” жамғармаси (1996-2001) – ўша даврнинг бозор муносабатларига мос келадиган, ёшларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган иккинчи тузилма - “Камолот” жамғармаси ташкил этилди ва фаолиятининг ташкилий механизмлари белгиланди [9]. Аммо, ушбу тузилма ҳам мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, ёшлар ишларини мувофиқлаштириш, айниқса ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларини бажариш қобилиятига эга ташкилот даражасига кўтарила олмади.

Шуларни инобатга олган ҳолда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати (2001-2016) – Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов 2001 йил 24 январда ёшлар масалаларига бағишланган йиғилишда ёшларни фаоллигини таъминлайдиган, уларни уюштирадиган янги ташкилот тузиш ғоясини илгари сурди. Бунинг натижасида мутлақо янги ташкилий ва функционал жиҳатдан янгиланган “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вужудга келди [10].

Бироқ, мазкур тузилма ҳам фаолиятидаги айрим камчиликлар, мавжуд имкониятлардан фойдаланишдаги қийинчиликлар, энг асосийси уюлмаган ёшлар билан ишлаш тизимидаги функционал муаммолар туфайли замон талабига жавоб бера олмай қолди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқида: “Камолот” бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмади...” деб таъкидлади [11].

Юқоридагиларнинг барчасини ҳисобга олиб Ўзбекистон ёшлар иттифоқи (2017) - мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчи бўла оладиган мутлақо янги ташкилот ташкил этилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил топган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” [12] сифатида нишонланиши белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси [13] доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги (2020)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаолияти кутилган натижаларни бермаётганлиги, жумладан ушбу тузилманинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан – нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида тегишли ваколатларга, яъни давлат органлари қаторида маъмурий воситаларга эга эмаслиги сабабли мамлакатимизда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишларни амалга оширишда қатор муаммолар, ёшларда замонавий тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва янги иш ўринларини яратиш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш авлодда мустаҳкам ватанпарварлик ғояси ҳамда қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш борасида қатор муаммолар сақланиб қолди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, ваколатли органлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги мамлакат ёшлари билан учрашувида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар бошқармалари ва туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилди.

Бунда, Агентлик ёшларга оид давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, шунингдек, ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида шаклланди.

Энг асосийси, Агентликнинг ўз ваколати доирасида қабул қилган қарорлари ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда иштирок этувчи барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар учун мажбурий этиб белгиланди. Шунингдек, Агентлик давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига ёшлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиши ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

лойиҳалари Агентлик билан мажбурий равишда келишилиши зарурлиги мустаҳкамланди [14].

Охирги йилларда ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оғир ҳаётӣ вазиятга тушиб қолганларни психологик ва иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда улар билан манзилли ишлашда қатор:

Институционал.

- Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тузилди;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Палаталари ҳузурида Ёшлар парламенти ташкил этилди;
- маҳаллаларда ёшлар етакчилари фаолияти йўлга қўйилди;

Ташкилий.

- Ёшлар электрон платформаси – “Ёшлар портали”, “Ёшлар баланси”, “Ёшлар дафтари”;
- ҳудудларда ёшлар муаммоларини ҳал этиш учун “Ёшлар дафтари” жамғармаси;
- Ёшлар академияси;
- “Бешта муҳим ташаббус” каби чоралар амалга оширилди;
- 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили деб белгиланди ва бошқ.

Таъкидлаш жизки, юқоридаги чоралар мамлакатда ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, талаб ва эҳтиёжларини қондиришни муайян даражада таъминлашга, бу орқали эса беқарорликнинг триггерига айланиши мумкин бўлган жамиятдаги катта куч – 18 миллиондан (умумий аҳолининг 55 фоизи) ортиқни ташкил қилган ёшлар (0-30)ни муаммоларини ҳал этишга хизмат қилди.

Хулоса қилиб айтганда охирги йилларда ёшлар соҳасида амалга оширилган ислохотлар – янги институционал тузилмаларнинг ташкил этилиши, ёшларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизмларининг жорий этилиши ва бошқ. амаладаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

## REFERENCES

1. Слуцкий, Е.Г. Что такое молодежная политика? / Е.Г. Слуцкий // Молодежь: цифры, факты, мнения. -СПб., 2006.-№1.-С. 18-19.
2. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги № 429-XII қонунин [http://www.lex.uz/search/all?form\\_id=3968&fyear=1991](http://www.lex.uz/search/all?form_id=3968&fyear=1991)

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.09.2016 йилдаги ЎРҚ-406-сон <https://lex.uz/docs/3026246#3026552>
4. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017.Б – 32.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори - <https://lex.uz/docs/4880129>
6. About the Strategy - <https://www.unyouth2030.com/about>
7. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида - <https://lex.uz/docs/5234746>
8. Бўронова Д. “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: бош тамойиллар ва уларнинг моҳияти” – Т.: “Ғофур Ғулом” НМИУ, 2008. Б. – 82.
9. Ўзбекистон ёшларининг жамғармаси “Камолот” тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 18 апрель 1996 йил.
10. Ўзбекистон Республикаси “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги 240-сонли қарорига тегишли ҳужжатлар тўплами. –Т.: 2001.
11. Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи - <https://president.uz/uz/lists/view/729>
12. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар (I қисм). – Т: “O‘zbekiston” НМИУ, 2017.Б – 58.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 yil 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони //Халқ сўзи, 2017, 8 феврал.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 30 июндаги ПҚ-4768-сон қарори - <https://lex.uz/docs/4880129>